

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**САФАРОВ АЛИШЕР АБДУҚАҲОР ЎҒЛИ**

**ТОШКЕНТ МЕГАПОЛИСИ ИТЛАРИ (CANIS LUPUS FAMILIARIS)  
ПАРАЗИТЛАРИ ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

**03.00.06–Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Сафаров Алишер Абдукахор ўғли**

Тошкент мегаполиси итлари (*Canis lupus familiaris*) паразитлари  
фаунаси ва экологияси..... 4

**Сафаров Алишер Абдукахор угли**

Фауна и экология паразитов собак (*Canis lupus familiaris*) мегаполиса  
Ташкента..... 21

**Safarov Alisher Abduqahor ugli**

Fauna and ecology of parasites of dogs (*Canis lupus familiaris*) the  
megapolis of Tashkent..... 38

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 40

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**САФАРОВ АЛИШЕР АБДУҚАҲОР ЎҒЛИ**

**ТОШКЕНТ МЕГАПОЛИСИ ИТЛАРИ (CANIS LUPUS FAMILIARIS)  
ПАРАЗИТЛАРИ ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

**03.00.06–Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/B197 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Азимов Джалалиддин Азимович биология фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	Эшова Холиса Саидовна биология фанлари доктори, доцент Кожевникова Алевтина Григорьевна биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд ветеринария медицинаси институти


Диссертация химояси Зоология институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 02/30.12.2019.B.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «07» декабрь куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232 б -уй, Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс: (+99871) 289-10-60, E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz)).


Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (32-рақамли билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232 б -уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2020 йил «23» ноябрь куни тарқатилди.  
(2020 йил «23» ноябрдаги 3 - рақамли реестр баённомаси).



  
А.П.Позиллов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, уринбосари, б.ф.д., профессор

  
Г.С.Мирзаяева  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.и., катта илмий ходим

  
Э.Б.Шакарбоев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ҳайвонот оламининг турли хил вакиллари паразитофаунаси замонавий ҳолатини аниқлаш паразитологиянинг муҳим вазифаларидан биридир. Айниқса, йирик мегаполисларда яшовчи ит ва мушукларда гельминтозларнинг тарқалиши бошқа ҳайвонлар учун, хатто инсон саломатлиги учун ҳам хавф солмоқда. Шундан келиб чиқиб, инсон саломатлигига хавф туғдирадиган ва чорва маҳсулдорлигини кескин пасайтирадиган кўплаб паразитар касалликларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда паразитологларнинг изланишлари куруқлик биоценозларининг қишлоқ хўжалик ва овладидиган ҳайвонлар экто- ва эндопаразитлари билан боғлиқ. Бироқ, итлар паразитларини ўрганишга етарлича эътибор қаратилмаган. Биргина Тошкент шаҳар экотизимининг ўзида 66 мингдан ортиқ итлар рўйхатга олинган бўлиб, сўнгги йилларда мазкур уй йиртқичларида учровчи паразитларнинг турлар хилма-хиллиги кенгайган. Натижада, улар қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ҳамда одамлар учун хавфли касаллик ўчоқларига айланиш эҳтимоли ортган. Бу ўринда, Тошкент мегаполиси итлари паразитофаунасини аниқлаш, паразит таксономик гуруҳларининг худудлар бўйича тарқалишини изоҳлаб бериш ҳамда доминант турлар биоэкологик хусусиятларини очиб бериш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, чорвачиликни барча соҳаларини ривожлантириш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ва давлат озиқ-овқат ҳавфсизлигини таминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, мамлакатимизнинг барча худудларида ушбу йўналишлар бўйича одамлар ва ҳайвонлар касалликларига қарши курашиш ҳамда инсон ва ҳайвонлар соғлигини ҳимоя қилишда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5696-сон Фармонида “...ветеринария соҳаси ва барча тармоқларини ривожлантириш, эпизоотик барқарорлик ва озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда касалликка чидамли ҳайвон турларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш”<sup>1</sup> каби вазифалар берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан Тошкент мегаполиси шаҳар популяцияси итларининг паразитологик ҳолатини аниқлаш, маҳсулдор ҳайвонлар ва одам паразитар касалликларини эпизоотологияси ва эпидемиологиясидаги ўрни ҳамда итлар паразитозларини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5696-сонли фармони.

ташхислаш ва олдини олишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4997-сон<sup>2</sup> ва 2019 йил 28 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5696-сон Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофазаси” устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Итларнинг экто- ва эндопаразитлари тур таркибини аниқлаш бўйича тадқиқотлар МДХ ва бошқа хорижий давлатлар олимларидан А.М.Петров (1926), К.И.Абуладзе (1964), П.Д.Исмаилов (1971), Д.П.Козлов (1977), R.Morchon (2012), N.L.Macperson, P.R.Torgerson (2013), E.R.Morgan (2013), E.W.Halliwell Richard (2013), Evangelos Falidas et al. (2016) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистонда итлар гельминтлари фаунаси, жумладан қишлоқ жойларида хизмат кўрсатувчи-қўриқчи итлар паразитофаунаси турлари, уларнинг тарқалиши, биологияси ва экологиясига оид тадқиқотлар М.Г.Жданова (1948), Р.Ш.Делянова (1953), И.Х.Иргашев (1956), Н.М.Матчанов (1959), В.М.Садыков (1969), Р.Э.Бекиров (1970), В.А.Баратов (1971) ва бошқалар томонидан олиб борилган бўлиб, муаллифлар 31 турдаги гельминтларни қайд этган ва улардан 15 таси одам организмида ҳамда қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида паразитлик қилишини аниқлаган.

Бироқ, мазкур тадқиқот ишларининг аксарияти ўтган асрга тегишли, қолаверса, улар Ўзбекистоннинг шаҳар итлари экто- ва эндопаразитлари фаунаси тўғрисида, хусусан, Тошкент мегаполиси бўйича тўлиқ маълумот бера олмайди. Шунга кўра, Тошкент мегаполиси итлари популяцияси экто- ва эндопаразитларининг фаунистик комплексларини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф5-Т230 “Сув ва қуруқлик экосистемаларида паразитар тизим таркибий қисмларининг шаклланиши ва ҳаракатланиш қонуниятлари” (2012-2016 йй.) ҳамда ВА-ФА-Ф5-007 “Ўзбекистон ҳайвонлари паразитлари

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4997-сонли фармони.

– Spirurida Chitwood, 1933 туркуми нематодалари популяцион экологияси, эволюцияси ва таксономияси” (2017-2020 йй) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент мегаполиси итлари (*Canis lupus familiaris*) популяциясининг экто– ва эндопаразит турлари хилма-хиллигини аниқлаш, паразит жамоаларининг шаклланиш йўллари ва доминант турлар экологик хусусиятларини очиб бериш, шунингдек паразитар касалликларнинг олдини олиш бўйича эколого-эпизоотологик асосларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тошкент мегаполиси уй итлари экто– ва эндопаразитлари турлари хилма-хиллигини аниқлаш;

паразит таксономик гуруҳларининг ҳудудлар бўйича тарқалишини изоҳлаш;

доминант нематода турларининг хаётий цикл хусусиятларини очиб бериш;

*Cestoda*, *Acanthocephala*, *Nematoda*, *Arachnida* ва *Insecta* синфлар тизимида аниқланган турларнинг таксономик хусусиятларини изоҳлаш;

шаҳар муҳитида яшовчи итларнинг асосий гельминтозларини олдини олиш учун эколого-эпизоотологик асосларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент мегаполиси итлари экто– ва эндопаразитлари ҳамда уларнинг личинкалик фазаси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** экто– ва эндопаразитларнинг турлар хилма-хиллиги ва таксономик таҳлили, доминант паразит гуруҳларининг ҳудудий тарқалиши, экологияси ҳамда Тошкент мегаполиси итлари паразитар касалликларнинг олдини олиш бўйича эколого-эпизоотологик тадбирлар ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда гельминтологик, паразитологик, молекуляр-генетик, экологик, биометрик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент мегаполиси шаҳар итларининг экто- ва эндопаразитлар фаунаси тизимли таҳлил этилган;

гельминт турлари хилма-хиллиги аниқланган ва улар 3 та (*Cestoda*, *Acanthocephala* ва *Nematoda*) синфга мансуб 21 турдан иборат эканлиги асосланган;

шаҳар итлари популяциясининг умумий зарарланиш даражаси 93,7% ни ташкил этганлиги аниқланган;

*Arachnida* ва *Insecta* синфларига мансуб бўлган 17 турдаги эктопаразитлар: каналар билан умумий зарарланиш – 65,6% ва ҳашаротлар билан зарарланиши – 53,7% эканлиги исботланган. Паразитлар жамоаларининг тарқалиши шаҳар атроф-муҳити ва мегаполис ҳудудлари тузилишининг ўзига хос экологик ҳамда функционал хусусиятларига боғлиқ эканлиги аниқланган;

итларда паразитлик қилувчи айрим гельминт турлари эктопаразитлар – кана, бит, бурга ва икки қанотли қон сўрувчи чивинлар орқали шаҳар худудига кириб келиши ҳамда жониворлар билан бирга одамларни ҳам зарарлаши аниқланган;

Тошкент мегаполиси шароитида итларнинг асосий гельминтозларини олдини олиш бўйича эколого-эпизоотологик асосларнинг инновацион модели ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

уй итларида экто- ва эндопаразитлар ҳамда улар келтириб чиқарган паразитар касалликларнинг хилма-хиллигини аниқлаш имкони яратилган;

потенциал хавфли эпизоотик ва эпидемиологик аҳамиятга эга гельминтозлар – дипилидиоз, мезоцестоз, эхинококкоз, мультицептоз, гидатигероз, токсокароз, токсокариоз, диروفилариоз, анкиластомодоз ва трихоцефалёзларнинг тарқалиш даражаси аниқланган;

“Адипраз плюс” препарати ёрдамида итларни цестода ва нематода аралаш (ассоциатив) инвазияларида дегельминтизация қилишнинг комплекс усули ишлаб чиқилган;

гельминтозлар тарқалишининг олдини олиш ва атроф-муҳитни гельминтозлардан муҳофаза қилишда итлар нажасини йиғиш ва утилизация қилишнинг инновацион модели ишлаб чиқилган;

йиғилган материаллар ва уларнинг таҳлиллари соҳа мутахассислари, талабалар ва илмий-тадқиқотчилар учун илмий объект ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда манбаа сифатида фойдаланиш учун тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда паразитологиянинг замонавий усулларида фойдаланилганлиги, илмий фаразлар, кенг қамровли таҳлил натижаларининг назарий маълумотларга мослиги, тадқиқотда ишлатилган бирламчи маълумотларни тўplash ва қайта ишлаш усуллари етарлилиги ва бир-бирини тўldириши, натижаларнинг мавжуд қoидaларга зид эмаслиги ва бошқа тадқиқотчилар маълумотлари билан таққосланганлиги, улардаги қиёсий фарқларни статистик қайта ишлаш учун Excell дастури ва OriginPro 7,5 дастурий таъминоти (OriginLab Corporation, АҚШ) қўлланилганлиги, шунингдек амалий натижаларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳайвонлар паразитлари тўғрисидаги илмий далиллар кўламининг кенгайганлиги, паразитлар фаунасининг шаклланиш хусусиятлари очиқ берилганлиги, шаҳар итлари популяциясида паразитларнинг тарқалиши ҳамда паразит организмлар жамоасининг тиббий ва ветеринария аҳамияти аниқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** шаҳар итлари популяциясида паразитар касалликларнинг олдини олиш учун эколого-эпизоотологик асослар ишлаб чиқилганлиги, зоонотик гелминтозлар тарқалишининг моҳияти очиқ берилганлиги ҳамда олинган натижалар шаҳар

атрофидаги итларнинг асосий гельминтозлар коррекцияси ва профилактикасида фойдаланиш учун тавсия этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шаҳар итлари паразитофаунаси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Итларнинг паразитар касалликлари профилактикаси учун ишлаб чиқилган экологик ва эпизоотологик асослар Тошкент шаҳар “Ҳайвонларнинг паразитар касалликлари профилактикаси бўйича эпизоотияга қарши тадбирлар” хизматининг ветеринария амалиётига жорий этилган (Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасининг 2020 йил 20 июндаги 38/3-321-сон маълумотномаси). Натижада, профилактик тизимнинг жорий этилиши Тошкент шаҳри туманларида ит паразитар касалликларининг эпизоотик соғломлигини таъминлаш имконини берган;

итларнинг энтопаразитларига қарши “Аджипраз плюс” ва “Ивермектин” антигельментик препаратлари ёрдамида итларни дегельминтизация қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Тошкент шаҳар ветеринария хизмати амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 12 февралдаги 02/23-65-сон маълумотномаси). Натижада, итлар саломатлигини таъминлашда “Аджипраз плюс” – 90%, “Ивермектин” препарати эса 100% самарадорликка эришиш имконини берган;

ит нажасини тўплаш ва йўқ қилиш бўйича ишлаб чиқилган инновацион модел Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария хизмати амалиётларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 12 февралдаги 02/23-65-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 11 февралдаги 6-сон маълумотномаси). Натижада, зооноз гельминтозларнинг олдини олиш ва атроф-муҳитни инвазион элементлардан (20-30%) ҳимоя қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 1 та патент, 1 та амалий тавсиялар, 7 та мақола, жумладан 4 та Республика ва 3 та си хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги ва апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон йиртқич сут эмизувчилари паразитофаунасининг ўрганилганлик жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон ҳудудида йиртқич сутэмизувчиларнинг экто- ва эндопаразитлари фаунаси ва экологиясини ўрганишга бағшланган адабиётлар таҳлил қилинган. Тошкент мегаполисида итлар паразитларининг тур таркиби бўйича маълумотлар йўқлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ҳудудлари тавсифи, материал ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида Тошкентнинг ўзига хос табиий-территориал хусусиятлари келтирилган. Ўрганилган ҳудуднинг мураккаб рельефи ва турли йўналишдаги функционал зоналари мавжудлиги ҳайвонот оламининг ҳилма-хиллигини таъминлаши таъкидланган.

Тадқиқот учун материаллар сифатида Тошкент мегаполиси итларининг паразит гельминтлари ва эктопаразитлари тўпламидан фойдаланилган. Тадқиқотлар 2016-2019 йиллар давомида ЎзР ФА Зоология институти, ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Республика ҳайвонлар касалликлари ташҳиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказида олиб борилган.

Ҳайвонларнинг 186 та алоҳида органлари ҳамда турли ёш ва зотдаги 160 бош индивид ит тўлиқ гельминтологик ёриш усули билан текширилган. Шу билан бир қаторда эктопаразитлари ҳам йиғилган. Аниқланган эндо- ва эктопаразитлар умум қабул қилинган усуллар (Скрябин, 1928; Агринский, 1961; Ивашкин, Контримавичус, Назарова, 1971) ёрдамида йиғилган ва фиксацияланган. Гельминтлар ва эктопаразитларни аниқлаш ва морфологиясини ўрганиш ишлари замонавий микроскоблар ЛОМО, МБС10 ва бошқа ускуналар ёрдамида ўтказилган. Паразитларни ўрганиш ва идентификациялаш вақтинчалик ва доимий препаратлар асосида маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар (Щульц, Гвоздев, 1972; Козлов, 1977; Khalil, Jones, Bray, 1994; Gibson, Jones, Bray, 2002)нинг ишларида келтирилган аниқлагичлар ва тасвирларга мувофиқ олиб борилган.

Дирофилярия (*D.immitis*) оралик хўжайинларини аниқлаш учун (*Culicidae*) итлар ва уларнинг атрофидан чивинлар тугилган ва тадқиқот ишлари олиб борилган. Умумқабул қилинган усуллар (Агринский, 1961) орқали жами 4686 нусха чивинлар йилнинг баҳор, ёз ва куз фаслларида ўрганилган.

Йиртқич ҳайвонларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражасини аниқлаш учун инвазия экстенсивлиги –ИЭ(%) ва инвазия интенсивлиги – ИИ (бош сонда) каби стандарт паразитологик кўрсаткичлардан фойдаланилган.

Дирофиляриянинг нуклеотидлар кетма-кетлигини ўрганиш учун Тошкент мегаполисида итни тўлиқ гельминтологик ёриб кўриш усули орқали ажратиб олинган *Dirofilaria immitis* нематодаси ишлатилди. Нематодалар ит юрагининг ўнг бўлмаси ва аортадан ажратиб олинди. Сўнгра физиологик эритмада (NaCl 0.9%) ювилиб, 70% этил спиртида фиксацияланди. Геном ДНК экстракти, ПЗР амплификацияси, гельэлектрофорез ва кетма-кетликлар таҳлили ўтказилди. ПЗР маҳсулоти ЎЗР ФА Геномика ва биоинформатика марказида сиквенс қилинди.

Статистик таҳлиллар учун Excell дастури ва OriginPro 7,5 дастурий таъминоти (OriginLab Corporation, АҚШ) ишлатилган.

Диссертациянинг “Тошкент мегаполис итлари (*Canis lupus familiaris*) паразитларининг эколого-фаунистик таҳлили” деб номланган учинчи бобида ўрганилган хайвонлар паразитофаунаси бўйича оригинал маълумотлар келтирилган.

Ўрганилган 160 бош итлардан 150 бошида, яни 93.7% гельминтлар билан зарарланганлиги аниқланган.

Гелминтлар фаунаси Cestoda, Acanthocephala ва Nematoda синфига мансуб 21 турдан иборат (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Тошкент мегаполиси итлари гельминтларининг тур ва таксономик хилма-хиллиги**

Синф	Туркум	Оила	Тур
Cestoda	Cyclophyllida	Dipylididae	<i>Dipylidium caninum</i>
			<i>Joyeuxiella rossicum</i>
		Taeniidae	<i>Taenia hydatigena</i>
			<i>Taenia pisiformis</i>
			<i>Multiceps multiceps</i>
			<i>Hydatigera taeniaeformis</i>
		Mesocestoididae	<i>Mesocestoides lineatus</i>
Acanthocephala	Oligacanthorhynchida	Oligacanthorhynchidae	<i>Macrocanthorhynchus catulinus</i>
	Trichocephalida	Capillariidae	<i>Capillaria plica</i>
		Trichocephalidae	<i>Trichocephalus vulpis</i>
		Diectophymidae	<i>Diectophyma renale</i>

Nematoda	Strongylida	Ancylostomidae	Ansylostoma caninum
			Uncinaria stenocephala
	Ascaridida	Ascarididae	Toxascaris leonina
		Anisakidae	Toxocara canis
	Spirurida	Spiruridae	Spirocerca lupi
		Physolopterae	Physoloptera preputiale
		Rictulariidae	Rictullaria affinis
		Dipetalonemidae	Dirofilaria immitis
	Dirofilaria repens		

Тадқиқотларда итларда аниқланган 12 тур нематодалар биологик цикли бўйича 2 гуруҳга бўлинди:

1. Биологик цикл оралиқ хўжайин иштирокисиз ўтади. Шу йўл билан *Trichocephalus*, *Ancylostoma*, *Uncinaria*, *Toxascaris*, *Toxocara* нематодалари ривожланади. Итлар ушбу паразитлар билан уларнинг тухумларини озуқа орқали ютиши натижасида зарарланади.

2. Биологик цикл оралиқ хўжайин иштирокида амалга ошади. Ушбу йўл билан *Capillaria*, *Dioctophyma*, *Spirocerca*, *Physoloptera*, *Rictularia* ва *Dirofilaria* нематодалари ривожланади.

Ўрганилган итлар нематодалари учун оралиқ, айрим турдагилари учун резервуар хўжайин сифатида умуртқали ва умуртқасиз ҳайвонлар вакиллари рўйхатга олинди. Бир ҳолатда итлар оралиқ ёки резервуар хўжайин инвазион личинкаларини ютиш орқали зарарланса, бошқа ҳолларда инвазион нематода личинкаси (*Dirofilaria* авлоди) билан зарарланган чивинлар чақиши орқали юқади (Шульц, Гвоздев, 1972; Anderson, 2000).

Тадқиқотларда 160 бош итдан 129 (ЭИ-80.6%) боши эктопаразитлар билан зарарланганлиги аниқланди, улар бўғимоёқлилар (*Arthropoda*) ҳамда иккита кенжа тип - *Chelicerata* (*Arachnida* синфи) ва *Tracheata* (*Insecta* синфи) кенжа типлари.

Тадқиқотларда Тошкент мегаполиси итларида *Arachnida* синфининг 10 тури, шундан *Parasitiformes* туркуми *Ixodidae* оиласига мансуб 8 тур, *Acariformes* туркуми *Sarcoptidae* ва *Demodecidae* оиласига мансуб 2 тур кана аниқланди (1-расм).

## 2-жадвал

### Тошкент мегаполиси итлари эктопаразитлари –*Arachnida* синфи турларининг хилма-хиллиги

Класс	Семейство	Вид
-------	-----------	-----

Arachnida	Ixodidae	Ixodes ricinus (Linnaeus, 1758) Ixodes persulcatus (P.Sch., 1930) Haemaphysalis punctate (Can. Et Fanz., 1877) Boophilus calcaratus (Birula, 1895) Dermacentor marginatus (Sulzer, 1776) Rhipicephalus sanguineus (Latz, 1806) Hyalomma anatolicum (Koch, 1844) Hyalomma asiaticum (P.Sch. et Sch., 1929)
	Sarcoptidae	Sarcoptes canis (Linnaeus, 1758)
	Demodecidae	Demodex canis (Leyding, 858)

Умумий 2253 нусха кана йиғилди. Йиғилган каналарнинг орасида Ixodidae оиласи вакиллари доминантлик қилиши кузатилди. Тадқиқотлар давомида ҳайвонларда каналар моноинвазия сифатида қайд этилди. Итларнинг *Sarcoptes canis* ва *Demodex canis* билан зарарланиши 4 (3,8%) ҳолатда бўлиб, куз ва қиш фаслларида топилди.

Тадқиқотларда Insecta синфига мансуб 4 туркум – Mallophaga, Anoplura, Siphonaptera, Diptera қайд этилди (2-расм).

Умумий 2743 нусха ҳашаротлар йиғилди. Ўрганилган 160 бош итлардан 86 боши эктопаразитлар билан зарарланганлиги ва инвазия экстенсивлиги 53,7% ни ташкил этганлиги аниқланди.

### 3-жадвал

#### Тошкент мегаполиси итларининг Insecta – эктопаразитлари турлари хилма-хиллиги.

Класс	Отряд	Семейство	Вид
Insecta	Mallophaga	Trichodectidae	Trichodectes canis
	Anoplura	Haematopidae	Linognathus setosus
	Siphonaptera	Pulicidae	Ctenocephalides canis Ctenocephalides felis
	Diptera	Culicidae	Aedes caspius Culex pipiens
		Hippoboscidae	Hippobosca langipennis

Қайд этилган ҳашаротлар турларининг хилма-хиллик миқдори кам. Улар асосан ассоциатив шаклда қайд этилган 7 та одатий тур. Асосан жунхўрлар, битлар ва бургалар аниқланган, амалий жиҳатдан йилнинг барча фаслларида, лекин икки қанотли қон сўрувчилар – баҳор, ёз ва куз фаслининг бошларида кузатилди.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, итларнинг эктопаразитлар фаунаси 17 турдан иборат, шундан каналар: Ixodidae, Sarcoptidae, Demodecidae ҳамда ҳашаротлар: Trichodectidae, Haematopidae, Pulicidae, Culicidae ва Hippoboscidae ҳисобланади.

Эктопаразитлар жамоаларининг тарқалиши шаҳар атроф муҳити ва мегаполисининг ҳудудлари тузулишининг ўзига хос экологик ҳамда функционал хусусиятларига боғлиқ. Итларда паразитлик қилувчи айрим гельминт турлари, эктопаразитлар – кана, бит, бурга ва икки қанотли қон сўрувчи чивинлар орқали шаҳар ҳудудига кириб келади ҳамда ит билан бирга одамларни ҳам зарарлайди (Halliwell, 2013).

Тошкент мегаполиси итларининг паразитоценози таркиби миқдор ва сифат муносабатлари жиҳатдан турғун эмас.

Ўрганилган ҳайвонларнинг паразитоценозини ташкил этувчи эктопаразитларнинг тур ҳилма-хиллиги йилнинг фаслига ва уларнинг яшаш ҳудудларига боғлиқ (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Тошкент мегаполисининг турли функционал зоналарида итларнинг эктопаразитлар билан зарарланиши

Оила	Зоналар ва турлар миқдори			
	Кўп қаватли иншоотлар	Кам қаватли иншоотлар	Истироҳат боғлари	Шаҳарнинг ноқулай жойлари
Ixodidae	3	6	2	8
Sarcoptidae	-	1	-	1
Demodecidae	-	1	-	1
Trichodectidae	1	1	1	1
Haematopidae	1	1	1	1
Pulicidae	1	2	-	2
Culicidae	1	2	-	2
Hippoboscidae	-	1	-	1
<b>Жами</b>	<b>7</b>	<b>15</b>	<b>4</b>	<b>17</b>


Шуни таъкидлаш керакки, Тошкент мегаполиси итларининг эктопаразитлари жамоаси функционал зоналарда турлар сони билан фарқ қилади.

Ўрганилган зоналардан шаҳарнинг ноқулай жойларида (17) ва кам қаватли иншоотларда (15) итларнинг эктопаразитлар билан зарарланиш даражаси юқори эканлиги, ёзги парклар зонасида турлар сони кам (4) эканлиги қайд этилди.

Шундай қилиб, шаҳарларда жумладан, Тошкент мегаполиси мисолида итларнинг паразитоценозини шаклланиши қуйидаги боғлиқликлар орқали амалга оширилади: мавжуд маълумотларга мос келадиган топик, трофик ва форик (Высоцкая, 1964; Скляр, 2003).

Итлар паразитлари турларининг таркиби ва нисбати атроф-муҳитнинг урбанизация даражасига қараб ўзгариб туради. Тошкент мегаполисида ўтказилган тадқиқотлар натижалари бўйича гельминтлар шаҳарнинг ноқулай ва истироҳат боғлари зонасида кўп учраши кўп қаватли иншоотлар зонасида эса кам учраши қайд этилди (1-расм).

Шаҳар атроф-муҳитининг функционал зоналарига қараб гельминтоценозларнинг ўзгариши кўп қаватли ва кам қаватли иншоотлар зонасида турларнинг ҳилма-хиллиги мос равишда 6 ва 7 тургача камайиши билан тавсифланади. Бу гельминтларнинг ҳаёт циклини чекловчи турли хил тўсиқлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, ушбу жараён ўз навбатда мос келадиган оралиқ хўжайин ёки абиотик компонентлар йўқлиги билан изоҳланади. Юқоридаги ҳолат эктопаразитларда ҳам кузатилиб, турларнинг энг кўп хилма-хиллиги шаҳарнинг кам қаватли иншоотлари ва ноқулай зоналарида қайд этилганлиги билан фарқланади (1-расм).



**1-расм. Тошкент мегаполисининг функционал зоналарида итлар паразит турлари жамоаларининг тавсифи: А-гельминтлар, Б-**

**эктопаразитлар. I-кўп қаватли иншоотлар; II-кам қаватли иншоотлар;  
III-истироҳат боғлари; IV-шаҳарнинг ноқулай зонаси.**

Паразитар тизимларнинг барча компонентлари улар қайси даражада бўлишидан қатъий назар, мегаполисининг ўзига хос ландшафт ва гидрологик шароитларини белгилайдиган турли даражадаги физик-кимёвий ва биологик моддалар билан боғлиқ. Ушбу омиллар паразитофаунанинг миқдори ва сифат хусусиятларига таъсири катта шаҳарларда учрайдиган паразитар касалликларнинг эпизоотик (эпидемиологик) жараёнларига комплекс таъсири туфайли кучаймоқда. Шу нуқтаи назардан, итларнинг паразитофаунаси ва бошқа умуртқали ҳайвонлар шу жумладан, одамлар ўртасидаги боғлиқлик алоҳида этиборга лойиқдир.

Тадқиқотларимиз ва адабиёт маълумотларига кўра, итлар паразитлари фаунаси турларининг энг катта қисми ердаги умуртқали ҳайвонларда: судуралиб юривчилар (5 тур), қушлар (9), сутэмизувчилар (38) учрайди (2-расм).



**2-расм. Итлар паразитофаунасининг бошқа умуртқалилар билан боғлиқлиги.**

Тақдим этилган материаллар муҳокама қилинганда, бошқа умуртқали ҳайвонларда аниқланган итлар паразитлари ривожланишининг турли босқичларига тегишли эканлигини таъкидлаш лозим. Балиқлар, амфибиялар, қушлар ва баъзи сут эмизувчилар Тошкент мегаполиси шароити ва атрофидаги табиий ҳудудларда итлар паразитларининг тегишлилигига қараб оралиқ ёки резервуар хўжайин вазифасини бажаради.

Шундай қилиб, итларнинг паразитофаунаси бошқа умуртқалилар синфлари вакиллари билан узвий боғлиқдир. Буларнинг барчаси шаҳар жойларида итлар паразитларининг қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва одамлар орасида паразитар касалликлар пайдо бўлишидаги ролдан далолат беради.

Зоонозларнинг тарқалишида итларнинг роли узоқ вақтдан буён соғлиқни сақлаш, ветеринария соҳаси, биолог ва паразитологлар эътиборларини тортиб келмоқда. Кўплаб илмий нашрларда хусусан, табиий

шароитда ва шаҳар худулариди итларнинг эндо- ва эктопаразитлари бўйича умумлаштирилган маълумотлар (Архипов, Архипова, 2004; Macpherson, Torgerson, 2013; Halliwell, 2013; Morgan, 2013) бундан далолат беради. Итлар популяцияси – жамият ҳаётининг ажралмас таркибий қисми сифатида эндо- ва эктопаразитларнинг кенг гуруҳлари билан зарарланган бўлиб, уларнинг аксарияти одам ва уй ҳайвонлари (маҳсулдор) организмиди личинкалик ва етуклик босқичиди паразитлик қилиши мумкин. Улар орасиди энг кўп учрайдиганлари: эхинококкоз, альвеококкоз, ценуроз, гименилепидозлар, дифиллоботриозлар, анкилостомидозлар, токсакароз, токсаскаридоз, диоктофимоз, дирофилариоз ва эктопаразитлар келтириб чиқарадиган касалликлардир.


Жамиятди вужудга келадиган ҳар қандай ноҳуш ҳодисалар ёки омиллар қаториди ҳайвонлар ва одамларнинг юқориди қайд этилган гельминтозлар билан зарарланиши ҳам катта иқтисодий зарар келтиради. Итларнинг зоонозлар кўзғатувчилари билан зарарланишини ҳисобга олсак, ҳозирги шароитди итларнинг паразитар касалликлардан даволаниш муаммолари ҳамди уй ҳайвонлари ва одамларни улардан ҳимоя қилиш долзарблигича қолмоқди. Буларнинг барчаси мегаполис ва бошқа аҳоли пунктларидаги урбанизациялашган худудларди итлар популяциясини назорат қилишни талаб қилади (Сафаров ва бошқалар, 2018).

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Итлар гельминтларининг таксономик ҳолати”** деб номланиб, ўрганилган мегаполис худудларида эндо- ва эктопаразитлар жамоаларининг таҳлилига бағишланган. Ҳар-бир паразит гельминтлар учун хўжайинлар рўйхати, жойлашуви, зарарланиш даражаси (ИЭ, ИИ), биологияси ва тарқалиши ҳақиди қисқача маълумотлар берилган. Тошент мегаполиси итлари учун 3 синфга мансуб 21 турдаги гельминтлар рўйхатга олинган.

Диссертация ишининг бешинчи боби **“Итлар гельминтозларини олдини олишнинг эколого-эпизоотологик асослари”** деб номлаган бўлиб, унда Тошкент мегаполиси итлари асосий гельминтозлари (дипилидиоз, тениоз, мультицептоз, эхинококкоз, мезоцестидоз, токсаскариоз, токсакароз, спироцеркоз, дирофилариоз) бўйича оригинал маълумотлар келтирилган. Шунингдек, молекуляр-биологик тадқиқотлар натижасиди нематода синфига мансуб бўлган *Dirofilaria immitis* паразит турининг нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқланиб, халқаро GenBank электрон системасиди сақлаш учун бириктирилган MN650648 рақам орқали жойлаштирилди.

Итларнинг паразитар касалликларига қарши курашиш учун бир қатор дорилар синовдан ўтказилиб, Agipraz Plus, Ивермектин ва Proksur препаратлари юқори самарадорлиги аниқланди. Қўлланилган препаратлар эффективлиги 90.0 ва 100% ни ташкил этди.

Тиббий ва ветеринария аҳамиятига эга бўлган, итлар гельминлари тарқалишини олдини олишди муҳим бўлган бўлиб хизмат қиладиган фекалий йиғиш ва йўқ қилишнинг инновацион модели ишлаб чиқилди (3-расм).



**3-расм. Итлар фекалийсини йиғиш қутиси.**

Таклиф қилинган шаҳар итлари популяцияси фекалийсини йиғиш ва йўқ қилиш саноат намунасининг амалиётга жорий этилиши паразитар касалликларнинг олдини олиш самарадорлигини 20-30%гача оширишга ва шаҳар атроф муҳитини муҳофаза қилишга хизмат қилади.

## **ХУЛОСАЛАР**

“Тошкент мегаполиси итлари (*Canis lupus familiaris*) паразитларининг фаунаси ва экологияси” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Тошкент мегаполиси замонавий ҳудуди уй итларида 5 синфга мансуб (*Cestoda*, *Acanthocephala*, *Nematoda*, *Arachnida* ва *Insecta*) 38 тур паразитлар аниқланди.

2. Уй итларида паразит гельминтлар 21 турдан иборатлиги аниқланди, улардан цестодалар (8), акантоцефаллар (1) ва нематодалар (12) ни ташкил этиши кузатилди. Шаҳар итларининг умумий зарарланиш даражаси 93,7% ни ташкил этиши билан изоҳланади.

3. Тошкент мегаполиси функционал зоналарида гельминтлар хилма-хиллиги ўрганилган ҳайвонларнинг юқори концентрацияси билан изоҳланади. Доминантлик қилувчи 12 тур нематода ва 8 тур цестодалар гельминтофаунанинг асосини ташкил этиши аниқланди.

4. Урбанизация даражаси ошиши билан уй итларида гельминт турларининг хилма-хиллиги пасайиши кузатилди: кўп қаватли бино функционал ҳудудида – 6 тур (28.5%), кам қаватли бино ҳудудида – 7 тур (33.3%), истироҳат боғлари ҳудудида – 12 (51.1%) ва шаҳарнинг ноқулай ҳудудларида – 21 тур (100%) паразитлар қайд этилган.

5. Тошкент мегаполиси итлари эктопаразитлари фаунаси 17 турдан - *Ixodidae* каналари (8 тур), *Sarcoptidae* (1), *Demodecidae* (1) ва ҳашаротлардан -

Trichodectidae (1), Haematopidae (1), Pulicidae (2), Culicidae (2) va Hippoboscidae (1) вакиллари аниқланди. Текширилган 160 бош итдан 129 тасида эктопаразитлар аниқланиб, инвазия экстенсивлиги 80%ни ташкил этиши кузатилди.

6. Биоценозларда итларнинг топик, трофик ва форик алоқалари мавжудлиги аниқланган. Итлар популяциясининг трофик алоқаларидаги паразитофауна шаклланишининг ва паразитлар циркуляциясидаги роли очиб берилган.

7. Итлар паразитларининг бир қатор турлари вояга етган ёки личинка босқичларида одам ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларида паразитлик қилиши аниқланди. Тошкент мегаполиси шароитида итлар паразитларининг эпидемиологик ва эпизоотологик роли очиб берилди.

8. Экспериментал тадқиқотлар натижасида *Dirofilaria immitis* нематодаси ўз ҳаёт циклини Culicidae - қон сўрувчи пашшалар, инвазия тарқатувчи вазифасини бажарувчиси орқали амалга ошириши тадқиқ этилди. Вояга етган *D.immitis* нематода турининг молекуляр идентификациясини амалга оширишда митохондриал ДНК COI гени нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқланди ва у MN650648 рақами орқали халқаро ГенБанкга жойлаштирилди.

9. Тиббий ва ветеринария аҳамиятга эга бўлган шаҳар популяцияси итлар гельминтозлари – дипилидиоз, тениоз, мультицептоз, эхинококкоз, мезоцестоидоз, токсаскариоз, токсакароз, спироцеркоз ва диروفилляриозлардан ташкил топганлиги аниқланди.

10. Бир қатор янги препаратлар: “Аджираз плюс”, “Ивермектин” - гельминтозларга ва “Проксур”нинг итлар эктопаразитларига қарши самарадорлиги аниқланди. Гельминтозлар ва эктопаразитларга қарши препаратлар синовдан ўтказилиб, уларнинг экстенс самарадорлиги 90-100%ни ташкил этди. Шаҳар итлари популяциясининг гельминтозларини олдини олиш ва атроф-муҳитни паразитар ифлослантиришдан ҳимоя қилиш учун инновацион модель ишлаб чиқилиб, Тошкент шаҳар ветеринария амалиётига жорий этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ВЕТЕРИНАРНЫЙ ИНСТИТУТ**

**САФАРОВ АЛИШЕР АБДУКАХОР УГЛИ**

**ФАУНА И ЭКОЛОГИЯ ПАРАЗИТОВ СОБАК (CANIS LUPUS  
FAMILIARIS) МЕГАПОЛИСА ТАШКЕНТА**

**03.00.06–Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент– 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей атестационной комиссии при Кабинета Министров Республики Узбекистан за номером В2018.2.PhD/В197.**

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте ветеринарии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Азимов Джалалиддин Азимович</b> Академик АН РУз, доктор биологических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Эшова Холиса Саидовна</b> доктор биологических наук, доцент <b>Кожевникова Алевтина Григорьевна</b> доктор биологических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Самаркандский институт ветеринарной медицины</b>

Защита диссертации состоится “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_ часов на заседании научного совета DSc.02/30.12.2019.B.52.01 при Институте зоологии. (Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232<sup>б</sup>, Институт зоологии. Тел./факс: (+99871) 289-04-65, E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz)).

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрирован за №\_\_\_). Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232б, Институт зоологии. Тел./факс: (+99871) 289-04-65.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола № \_\_\_ от “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 года).

**А.Позилов**  
Заместитель председателя научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

**Г.С.Мирзаева**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

**Э.Б.Шакарбоев**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире, изучение паразитофаунистического статуса человека и представителей различных видов животного мира нашей планеты - одна из чрезвычайно важных проблем паразитологической науки. Особенно, распространение ряда гельминтозов собак и кошек, обитающих в крупных мегаполисах представляет опасность не только для других животных, но и для здоровья человека. Поэтому, познание паразитофауны представляет не только глубокий теоретический интерес, но имеет огромное практическое значение, является основой для разработки мероприятий по борьбе с многочисленными паразитарными болезнями, подрывающих здоровье человека и резко снижающими продуктивность животноводства.

В настоящее время исследования паразитологов связана с изучением экто – и эндопаразитов сельскохозяйственных и охотничье-промысловых животных наземных биоценозов. Вместе с тем, паразитам собак уделялось меньшее внимание. Домашние плотоядные животные – собака, кошка – часто бывают зараженными паразитами, опасными как для них самих, также и для многих сельскохозяйственных животных и человека. Точное таксономическое определение паразита-возбудителя соответствующего заболевания того или иного животного –обязательное условие успешного проведения противопаразитарных мероприятий конкретного региона. В этом плане настоящая работа вносит определенный вклад в расширение представлений о паразитофауне собак мегаполиса Ташкента, где в условиях городской экосистемы содержится более 66 тыс. особей этих животных.

Сегодня, уделяется особое внимание коренному улучшению системы здравоохранения и развитию всех отраслей животноводства, повышению продуктивности и обеспечению продовольственной безопасности страны. В этом направлении достигнуты определенные результаты по эффективной охране здоровья человека и животных, борьбе с болезнями общими для них на всей территории Узбекистана.

В Указе Президента Республики Узбекистан УП-5696 от 28 марта 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в сфере ветеринарии и животноводства» определены основные задачи “...развитие ветеринарной сферы и всех отраслей животноводства, обеспечение эпизоотического благополучия и безопасности пищевых продуктов, внедрение в практику современных методов диагностики, лечения и профилактики болезней животных, всестороннее развитие научного, методического и образовательного потенциала в области ветеринарии...”<sup>1</sup> Исходя из этой задачи, важное научно-практическое значение приобретает определение паразитологической ситуации у собак городской популяции мегаполиса Ташкента, оценка их роли в эпизоотологии и эпидемиологии паразитарных болезней продуктивных животных и

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 марта 2019 года УП-5696 «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в сфере ветеринарии и животноводстве».

человека и разработка современных методов диагностики и профилактики паразитозов собак.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных Указами Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»<sup>2</sup>, от 28 марта 2019 года УП-5696 «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в сфере ветеринарии и животноводстве», а также другими нормативно – правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики:** Данное исследование выполнено в соответствии приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Исследования по выявлению видового состава экто - и эндопаразитов у домашней собаки проводились многими учеными стран СНГ и дальнего зарубежья (А.М.Петров, 1926; К.И.Абуладзе, 1964; П.Д.Исмаилов, 1971; Д.П.Козлов, 1977; R.Morchon et al., 2012; N.L.Macperson, P.R.Torgerson, 2013; E.R.Morgan, 2013; E.W.Halliwell Richard, 2013; Evangelos Falidas et al., 2016). Установлено видовое разнообразие паразитов домашних собак в отдельных регионах. Авторами, также рассмотрены некоторые вопросы биологии гельминтов и эктопаразитов, контроля паразитарных болезней плотоядных.

